

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная
библиотека
eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич
ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АҲБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич
НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Ҳикматулло қизи
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДИЛКАРИЕВА Феруза
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович
КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ 31

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна
ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Ҳасанович
ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли
АҲБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o‘g‘li
МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНING ТАРАFLAR IXTIYORIGA BOG‘LIQ BO‘LMAGAN HOLATLAR
ВО‘YICHA BEKOR QILINISHINING UMUMIY TAVSIFI 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали
ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд
ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич
МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна
ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ХУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ҲУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна
 “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи,
 юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
 E-mail: akbarova1982@inbox.ru

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САЙДИВАЛИЕВА Х.Х.
 Оилавий-ҳуқуқий шартнома оилавий муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида //
 Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 36-41.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-6>

АННОТАЦИЯ

Мақолада оилавий муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқи кўриб чиқилди, оилавий муносабатларни тартибга солиш механизmlари таҳлил қилинди. Муаллиф томонидан оилавий ҳуқуқий шартномани тузиш амалиёти ўрганилиб, оилавий ҳуқуқий шартномани оила ҳуқуқида мустақил институт сифатида ривожланиши билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Хорижий мамлакатларнинг оила қонунчилигида оилавий ҳуқуқий шартномалар турлари ўрганилди. Оилавий ҳуқуқий шартномага таъриф берилди, унинг фуқаролик ҳуқуқий шартномадан фарқли жиҳатлари кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: оилавий муносабатлар, ҳуқуқ, мажбурият, ўзаро ишонч, мулкий муносабатлар, шахсий номулкий муносабатлар, тартибга солиш, шартнома, қонун, норма, оила аъзолари, субъект, объект, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи.

САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

Начальник отдела научно-исследовательского института
 «Семья и женщины», доктор философии по юридическим наукам (PhD)
 E-mail: akbarova1982@inbox.ru

БРАЧНЫЙ ДОГОВОР КАК СРЕДСТВО РЕГУЛИРОВАНИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрено различие семейных отношений от гражданских правоотношений, проанализированы механизмы регулирования семейных отношений. Автор изучил практику составления брачного договора и выявил проблемы, связанные с ее развитием, как самостоятельного института семейного права. Изучены виды брачных договоров в семейном праве зарубежных стран. Дано определение брачному договору, рассмотрены его отличия от гражданско-правового договора.

Ключевые слова: семейные отношения, право, обязательство, взаимное доверие, имущественные отношения, личные неимущественные отношения, регулирование, договор, закон, норма, члены семьи, субъект, объект, семейное право, гражданское право.

SAYDIVALEVA Khurshida

Head of Department Research Institute "Families and Women",

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: akbarova1982@inbox.ru

FAMILY LAW CONTRACT AS A MEANS OF REGULATING FAMILY RELATIONS

ANNOTATION

The article considered the difference between family relations and civil legal relations, and analyzed the mechanisms of family relations regulation. The author studied the practice of drawing up a family legal contract and identified problems related to the development of a family legal contract as an independent institution in family law. Types of family legal contracts were studied in the family law of foreign countries. The family legal contract was defined, its different aspects from the civil legal contract were considered.

Keywords: family relations, law, obligation, mutual trust, property relations, personal non-property relations, regulation, contract, law, norm, family members, subject, object, family law, civil law.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати унинг фаровонлигини таъминлаш ва оиласидаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлилигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Хусусан, 2022 йил 7 марта Президент Ш.Мирзиёев томонидан "Оила ва хотин-қизларни тизимли кўллаб-кувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-87-сон Фармон [1] имзоланиб, мазкур хужжатда 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда уни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. У орқали оила институтини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни саклаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсиранч методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган йигирмадан зиёд чора-тадбирлар белгилаб берилди. Мазкур чора-тадбирлар орасида оила қонунчилигини такомиллаштириш, айниқса, бугунги кунда глобаллашув жараёнида ижтимоий муносабатларнинг ички ва ташқи омилларнинг таъсирида ўзгариб бораётгани ҳамда оилавий-ҳуқуқий тартибга солиш механизmlарини ҳам унга мос равишда ўзгартирилиб, бойитилиб бориши аҳамиятилдири.

Оилавий муносабатларни тартибга солишида оила қонунчилиги оилавий муносабатларни тартибга солишининг шартномавий усулидан фойдаланишга имконият яратади. Бугунги кунга келиб, **оилавий-ҳуқуқий шартнома** оила аъзоларининг қонун нормаси билан тартибга солиш имконияти бўлмаган жиҳатларни, тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишига имкон яратади ҳамда оилавий муносабатларни тартибга солишининг ўзга хос механизми саналади.

Олимлар орасида ҳануз оила ҳуқуқининг алоҳида тармоқ ёки тармоқ эмаслиги, у билан тартибга солинадиган муносабатларнинг ўзига хослиги ҳамда оила аъзолари ўртасида тузиладиган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий шартномалари сифатида қарашлар, бундан ташқари шартномани оилавий ҳуқуқий тартибга солишининг фуқаролик ҳуқуқий воситаси эканлиги борасидаги илмий баҳслар давом этаётганини кўриш мумкин. Шунингдек, бир қатор тадқиқотчилар томонидан оила ҳуқуқини мустақил тармоқ эканлиги ва тартибга солиш методологиясига эгалиги асослантирилиб келинади [2, Б.173].

Фикримизча, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос бир неча хусусиятларга эга ва бу хусусиятлар уларни бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ажратиб туради. Хусусан, давом этувчи

характердалиги, никоҳ тузиш ва бекор қилиш, туғилиш, фарзандликка олиш каби юридик фактлар асосида юзага келиши, оилавий муносабатлар субъект таркиби, ишонч асосида курилганлиги. Оилавий муносабатларнинг шахсий характердалиги ҳамда уларнинг мулкий муносабатларга нисбатан устувор эканлиги, мулкий муносабатлар ҳам шахсий характер касб этиши мумкин, вакилликнинг чекланиши ва хуқуқий ворисликка йўл қўйилмаслигига намоён бўлади. Оилавий хуқуқий муносабатларни тартибга солишда ахлоқ ва хуқуқнинг ўзаро бирбира яқинлиги барча оилавий хуқуқий муносабатлар, жумладан шартнома асосида вужудга келгандари, оилавий муносабатларнинг мазмунини никоҳ, оила, ҳомийлик ва васийлик борасидаги хуқуқ ва мажбурият ташкил қиласди. Шу ўринда фуқаролик хуқуқий муносабатлар оилавий муносабатлардан фарқ қиласди. Ушбу фарқлар фуқаролик хуқуқий муносабатларни қонун билан таъқиланмаган ҳар қандай хуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этиши, фуқаролик хуқуқий муносабатлар юридик жиҳатдан тенг, мулкий характердаги ташкилий жиҳатдан белгилаб қўйилган субъектлар ўртасидаги алоқа эканлиги билан ажралиб туради.

Оилавий муносабатларни тартибга солишнинг хусусий методининг кенг қўлланилишига имкон яратилгани, диспозитив қоидаларнинг [3], шунингдек, оилавий хуқуқий муносабат субъектларининг ўз оилавий муносабатларини турли шартномалар орқали тартибга солиш ҳуқуқи [4, Б.1]ни кенгайтирилгани, оила қонунчилигининг бу борада такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Ф.М. Отакўжаев [5, Б.136-137] оилани хуқуқий маънода юридик муносабат деб таърифлар экан, оилавий муносабатлардаги юридик характер хуқуқий нормалар билан уларнинг муносабатларини тартибга солиб, давлатнинг мажбурий қоидалари билан оила аъзоларининг хулқига таъсир этиб, оилани жамият хоҳлаган асосда ривожлантиришга ёрдам беради, деб оила ҳуқуқининг диспозитивлик ва императивлик характерга эгалигини билдириб ўтади.

Фуқаролик хуқуқи ва оила хуқуқи ўртасидаги умумийлик фуқаролик қонунчилиги мулкий ва у билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади, тенгликка асосланган, мулкий эркинлик ва иштирокчиларнинг эркинлигига асосланади.

Қонунчилик ва оила ҳуқуқи назариясида оилавий муносабатларни шартномавий хуқуқий тартибга солишни ривожлантиришга тўсқинлик қилиб турган баъзи омиллар ҳам бор. Хусусан, оилавий-хуқуқий шартномаларни тизимлаштириш ва оила ҳуқуқи доктринасида оилавий шартнома тўғрисидаги назариянинг ривожлантирилмаганини айтиб ўтиш лозим. Оилавий хуқуқий мажбуриятлар ва уларни бажармаслик оқибатида оилавий хуқуқий жавобгарлик масаласиҳам ўзинингечиминитопмаган. О.Н. Низамиеватаъқидлаганидек, оила қонунчилигига оилавий-хуқуқий шартномаларни барчасига таалуқли бўлган, шартномавий тартибга солиш тамойиллари, оилавий-хуқуқий шартномаларни тузиш, бекор қилиш, ўзгартиришга оид қоидалар мавжуд эмас. Фуқаролик хуқуқининг мажбуриятларни таъминлаш ёки шартнома шартларини ўзгартиришга оид қоидаларини ҳамма вақт ҳам оилавий- хуқуқий шартномага нисбатан қўллаб бўлмайди [6, Б.100-106].

Оилавий-хуқуқий шартнома оила аъзоларининг қонун нормаси билан тартибга солиш имконияти бўлмаган жиҳатларни, тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишларига имкон яратади ҳамда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос механизми саналади. Оилавий-хуқуқий шартномалар фуқаролик хуқуқий шартномалардан ўзининг субъектлар доираси, шакли, шартномани тузиш принциплари ва бажарилиши ҳамда жавобгарлиги нуқтаи назардан фарқланади.

Оилавий-хуқуқий шартномаларни факат оила аъзоларининг ўзларигина тузадилар, яъни бу борада шартнома субъектлари сони ҳамда шартнома тарафи сифатида ўзга шахсларни танлаш имконияти чегараланганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида оилавий муносабатларни шартномавий хуқуқий тартибга солишда оила аъзолари томонидан тузилиши мумкин бўлган шартномаларни икки катта гурухга ажратилади:

Биринчи гурухга мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномаларни таснифлаб киритиш мумкин. Булар, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш (27-модда), никоҳ шартномаси (29-модда), ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириши тўғрисида келишув (92-модда), алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (100, 118-моддалар, 17-боб).

Иккинчи гурухга шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи шартномалар киради: Ота-онанинг келишувига биноан болага исм, ота исми бериш (69, 208-моддалар), ота-онанинг келишувига биноан ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаш жойини белгилаш

(75-модда), ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота(она)нинг ота-оналий ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув (76-модда), болаларни оиласага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув (195-модда).

Бугунги кунда ушбу рўйхатга кирмаган бошқа шартнома ва келишувлар турлари ҳам амалиётда учрамоқда. Масалан, амалиётда сурорагт оналик шартномасининг тузилаётгани, назария ва амалиётда бу борада баҳс мунозаралар [7, Б.28-31] борлигини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, оила қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, қонуншунос оиласавий-ҳуқуқий шартномаларнинг баъзиларини “шартнома”, айримларини эса “келишув” деб номлади. Мазкур номлашни ҳам шартномаларни юридик табиатидан келиб чиқиб асослаш лозим бўлади.

Амалиётдаги таҳлилларга [8] назар ташлайдиган бўлсак, Республика бўйича 2020 йилда жами 1004 та никоҳ шартномаси тузилган бўлса, 2021 йилда тузилган никоҳ шартномаларининг сони 2,7 маротаба ортиб, 2 749 тага етган. Умумий олиб қаралганда, тузилган никоҳ шартномаларининг сони ортган бўлса-да, жами тузилган никоҳларга нисбатан ҳали ҳам жуда паст кўрсаткич қайд этилмоқда. Хусусан, 2020 йилда тузилган никоҳ шартномалари жами никоҳларнинг (296 751 та) атига 0,3 фоизига, 2021 йилда эса жами никоҳларнинг (305 211 та) 0,9 фоизига тўғри келади. Ҳудудлар кесимида олиб қаралганда, 2021 йилда энг кўп тузилган никоҳ шартномалари Тошкент шаҳри (991), Наманган (711), Фарғона (326) вилоятларига тўғри келса, энг паст кўрсаткичлар Бухоро (11), Сирдарё (11), Навоий (12), Хоразм (19) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси(12)да қайд этилган. 2020 йилга нисбатан энг паст ўсиш суръатлари ҳам Бухоро, Сирдарё (иккала вилоятда ҳам бирорта ошмаган), Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида (иккала ҳудудда ҳам атига 4 тадан кўпайган) кузатилган. Алимент келишувлари ҳам амалиётда нисбатан кам тузилмоқда. 2021 йилда Ўзбекистон бўйича жами 77 та шундай келишув расмийлаштирилган бўлиб, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида умуман тузилмаган, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида эса атига 1 тадан алимент келишуви имзоланган. Бу ерда фуқаролар томонидан ўз оиласавий ҳуқуқ ва мажбуриятларини шартнома орқали тартибга солиш механизмидан камроқ фойдаланиши кузатилади.

Хорижий мамлакатлар оила қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатларда оиласавий-ҳуқуқий шартномалар эр ва хотин орасидаги ҳам мулкий, ҳам шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш имкониятини беради. Хусусан, 2001 йил 16 февралдаги “Рўйхатдан ўтган фуқаролик шерик тўғрисида”ги Германия Федерал қонунига [9] кўра, “рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган никоҳ ва оиласавий муносабатлар шартномадан келиб чиқиши мумкинлиги белгиланган. Германия Фуқаролик Кодексининг 1409–1563-нормалари билан тартибга солинади. 1955 йилда Лондон Олий суди томонидан қабул қилинган суд прецедентида [10] ҳам: “эр ва хотин томонидан биргаликда уларнинг болаларга ғамхўрлик қилиш ва улар билан мулоқот қилиш, шу жумладан, фарзандга исм қўйиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа ҳар қандай масала бўйича тузилиши мумкин”, деб қайд этилган.

Оиласавий-ҳуқуқий шартнома тушунчасини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида уни фуқаролик ҳуқуқий шартномадан фарқли жиҳатларини ажратишни лозим топдик. Оиласавий ҳуқуқий шартнома қуидаги ўзига хос ҳусусиятларга эга:

1. Шартноманинг мақсади ва йўналиши билан ажralиб туради. Фуқаролик ҳуқуқий шартнома икки бегона шахсларнинг муайян битим орқали ўзаро мажбуриятларини боғласа, оиласавий-ҳуқуқий шартнома ўзаро қариндош бўлган шахслар ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабатларга путур етганида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш ҳамда оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни ёмонлашишидан ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди. Шу ўринда, ҳуқуқшунослар [11], [12, Б.26] оиласавий-ҳуқуқий шартноманинг регулятив функциясидан кўра, унинг превентив характерда эканини таъкидлайди. Оиласавий-ҳуқуқий шартноманинг мақсадларига болани тарбия қилиш, ёрдамга муҳтоҷ оила аъзосини қўллаб-куватлаш, мол-мулкни адолатли тақсимлаш, болани оиласада тарбияланиш ҳуқуқини амалга ошириш кабилар фуқаролик ҳуқуқий шартноманинг мақсадлари бўла олмайди [13, Б.100-106].

2. Шартнома субъектларининг қизиқишлиарига кўра. Фуқаролик ҳуқуқий шартноматарафлари кўпинча мулқдорлар, тадбиркорлар бўлганлиги сабабли ушбу шартнома субъектлари кўпроқ тижорат ва тадбиркорликдан фойда олиш мақсадини кўзлаб шартнома тузадилар. Оиласавий-ҳуқуқий шартнома субъектлари эса оиласавий низоларни келишув асосида ҳал қилиш ва тенг мажбурият ҳуқуқларга эга бўлиш, қисман шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш мақсадини кўзлайдилар.

3. Фуқаролик ҳуқуқий шартноманинг асосий тамойилларидан бири бу унинг тарафлар

эрки асосида тузулиши ҳисобланади. Тарафлар ўз эрки асосида иқтисодий фойдадан келиб чиқиб қонунда белгиланмаган, лекин унинг умумий кўрсатмаси доирасидаги шартномаларни ҳам таза оладилар. Оилавий-хукукий шартномаларда эркинлик тамоили бирламчи аҳамият касб этмайди ҳамда шартнома эркинлиги чеклангандир. Оилавий-хукукий шартномада оила қонунчилиги тарафни ўзи танлаб берган. Оилавий-хукукий шартнома субъектлари доираси чекланган, яъни оилавий-хукукий шартномани ўзаро оилавий ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган оила аъзолари ҳисобланган фуқаролар таза оладилар [13, Б.105]. Шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш фақат Оила кодекси билан белгилаб берилган доирада амалга оширилиши лозим. Оилавий муносабатларни шартномавий ҳукукий тартибга солиш вояга етмаган оила аъзоларнинг, ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларнинг манфаатларини кўзлаб, инсонийлик принциплари, адолатлилик нуқтаи назаридан амалга оширилиши лозим [14, Б.157]. Шартнома тузиш эркинлигининг чекланиши оилавий муносабатларни тартибга солища оммавий ҳукуқ субъектлари манфаатлари, шартнома шартларини белгилашнинг чегараланиши, оила қонунчилигида назарда тутилмаган шартномаларни тузиш имкониятининг йўқлиги [15, Б.80-82] кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

4. Оилавий-хукукий шартнома оилавий мажбуриятларни вужудга келтирувчи асос [12, Б.26] ҳисобланиши. Оила ҳукуқида шартномалар оилавий муносабатларни юзага келтирувчи мустақил асос ҳисобланмайди, у фақат мавжуд оилавий муносабатларни ўзгартириши, бекор қилиши мумкин. Шунингдек, мустақил юридик факт сифатида намоён бўлмайди.

О.Н. Низамиева оилавий муносабатларни шартномавий ҳукукий тартибга солиш бу оила аъзолари томонидан амалга ошириладиган қонун асосида ва унинг чегарасидан ташқарисида оилавий мулкий муносабатлар соҳасида шартнома ва келишувларни тузган ҳолда лозим бўлган хулқ-атвор моделини белгилашнинг индивидуал ҳукукий тартибга солиш тури [16, Б.75], деб таърифлайди.

Оилавий муносабатларни шартномавий ҳукукий тартибга солища шартномада ўз аксини топган ҳукуқ соҳасининг бир нечта тармоқлари эътиборга олинган бўлиши мумкин. Оилавий муносабатларни шартномавий ҳукукий тартибга солиш оила ҳукукининг бошқа ҳукуқ соҳалари билан боғлиқ жиҳатларини намоён қиласди [17, Б.168-171].

Алоҳида таъкидлаш ўринники, фуқаролик ҳукукининг шартномага оид қоидлари универсал ва умумий тарзда оилавий-хукукий шартномаларга тааллуқли, лекин таҳлиллар мазкур институтни алоҳида тартибга солиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Оилавий-хукукий шартноманинг ўзига хос белгилари бўйича хулоса қилинадиган бўлса, шартнома оила ҳукуқида мустақил юридик факт ҳисобланмайди, у мавжуд оилавий муносабатни ўзгартириши ёки тугатиши ёхуд оила аъзоларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини мувофиқлаштириши мумкин. Оила ҳукуқида шартнома тузиш эркинлиги анча чекланган бўлиб, эркинлик фақат шартнома тузиш ёки тузмаслик шартномавий муносабатга киришиш ёки киришмаслик кабиларда намоён бўлади. Оилавий-хукукий шартнома шартлари оила қонунчилиги билан белгилаб берилган доирадан четга чиқмайди. Оилавий-хукукий шартномаларнинг барчаси ҳам оилавий-хукукий мажбуриятларни юзага келтирмайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда оилавий-хукукий шартнома институтини янада ривожлантириш масаласида қўйидагиларга аҳамият қаратиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, оилавий-хукукий шартноманинг юридик табиатиниянада батафсил таҳлил қилиш, турдош шартномалардан ўзига хос мустақил жиҳатларини аниқлаш;

иккинчидан, оилавий-хукукий шартномани таснифларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш, бунда шартноманинг субъект таркиби ҳамда мулкий, номулкий ёки аралаш характерда бўлган шартномаларга ажратиш мезонларига эътибор қаратиш;

учинчидан, хорижий мамлакатларда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг диспозитив усууллари ҳамда шахсий номулкий муносабатларни шартнома институти орқали тартибга солиш жиҳатларини ўрганиш ва миллий қонунчилик билан ўзаро қиёсий таҳлил қилиш;

тўртинчидан, оила ҳукуки назариясида оилавий-хукукий мажбуриятлар тизими ҳамда ушбу мажбуриятларни бажариш бўйича оилавий ҳукукий жавобгарликнинг юридик асосларини ишлаб чиқиш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-куватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/ru/docs/5899498>.
2. Кокова Д.А. Содержание семейных правоотношений. дисс.канд.юр.наук. Москва. 2017 // URL: <https://www.disscat.com/content/soderzhanie-semeinykh-pravootnoshenii>
3. Муканова М.Ж. Арутюнян Е. Договоры и соглашения в семейном праве. Вестник КарГУ, 2009 // URL: <https://articlekz.com/article/14322>
4. Александров И.Ф. Правовое регулирование семейных отношений: соотношение семейного и гражданского права Автореф...дис.канд.юр.наук. Самара 2004 // URL: https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01002624549.pdf
5. Отахўжаев Ф. М. Ўзбекистон Республикаси никоҳ тўғрисидаги қонунларининг ривожланиши ва уларни такомиллаштириш муаммолари. Дисс.ю.ф.доктори. Тошкент 2000.
6. Низамиева О.Н. К вопросу о преспективах развития договорного регулирования семейных отношений// Ученые записки Казанского университета. 2011. Б. 100-106. //URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-perspektivah-razvitiya-dogovornogo-regulirovaniya-semeuynih-otnosheniy>
7. Абдуллаев Ж. Суррогат оналик шартномаси нима? // Ҳуқуқ ва бурч №7/2022. Б.28-31.
8. Ўзбекистон Республикаси нотариал палатаси маълумотлари асосида. 2022 йил. 2/1-334-сонли хат.
9. Закон о зарегистрированном гражданском партнерстве (Закон о пожизненном партнерстве - LPartG) // URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/lpartg/BJNR026610001.html>
10. Case Classes – Reading Simpkins v Pays (1955) Facts Ms // URL: <https://www.studocu.com/en-gb/document/university-of-kent/a-critical-introduction-to-law/cases/13367195>
11. Муканова М.Ж. Договор как способ регулирования семейных отношений // URL: http://www.rusnauka.com/5_NTSB_2009/Pravo/41395.doc.htm
12. Чашкова С.Ю. Система договорных обязательств в российском семейном праве. Автореф... канд.юр.наук. 2004 // URL: <https://www.disscat.com/content/sistema-dogovornyh-obyazatelstv-v-rossiiskom-semeinom-prave>
13. Низамиева О.Н. К вопросу о преспективах развития договорного регулирования семейных отношений// Ученые записки Казанского университета. 2011. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-perspektivah-razvitiya-dogovornogo-regulirovaniya-semeuynih-otnosheniy>
14. Некрасова Елена Владимировна Договорное регулирование семейных отношений: проблемы субъектного состава // Вестник СГЮА. 2018. №1 (120) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/dogovorne-regulirovanie-semeuynih-otnosheniy-problemy-subektnogo-sostava> (дата обращения: 29.12.2022)
15. Кравченко Е.П. Правовое регулирование договорных отношений в семейном праве // Актуальные проблемы юриспруденции в России и зарубежом/ Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции. (№ 2. Новосибирск, 2015 // URL: <https://izron.ru/articles/aktualnye-problemy-yurisprudentsii-v-rossii-i-za-ubezhom-sbornik-nauchnykh-trudov-po-itogam-mezhdun/>
16. Низамиева О.Н. Договорное регулирование имущественных отношений в семье. Казан: Изд-во “Таглиммат” Института экономики, управления и права, 2005 // URL: https://do.kpfu.ru/pluginfile.php/71818/course/summary/Rprogamma_1840.pdf
17. Гаврилов А. М. Договорное регулирование семейных отношений как сфера взаимодействия семейного права с иными правовыми отраслями // Russian Journal of Economics and Law. 2011. №2 (18). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/dogovorne-regulirovanie-semeuynih-otnosheniy-kak-sfera-vzaimodeystviya-semeynogo-prava-s-inymi-pravovymi-otraslyami> (дата обращения: 29.12.2022)